



ҲОМЕР “ИЛИАДА” ДОСТОНИ ТАРЖИМАСИНИНГ ЛИСОНИЙ ВА БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.О.Юсупов

Нукус инновацион институти
Самарқанд филиали инглиз тили ўқитувчиси
nyusupov3321@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10559379>

Аннотация: Ушбу мақолада биринчи навбатда Ҳомер “Илиада” достони лисоний сифатларининг таҳлили берилган. Сўнгра достоннинг композицияси ва бошқа бадий хусусиятларининг ўзига хос томонлари ёритилган. Достон матнидан турли мисоллар келтирилган ва берилаётган хулосалар, бошқа тадқи-қотчиларнинг хулосалари билан қўшиб далилланган.

Калит сўзлар: “Илиада”, “Одиссей”, Ҳомер, антик давр, Хитой, Жанубий ва Шарқий Осиё, Юнонистон, Рим, Европа, эпитет, Троя, Олимп, Ахиллес қалқони, Александр Македонский, ҲеорҒ Ҳегель, реалист, эҳром.

Annotation: First of all, this article analyzes the linguistic qualities of Homer’s epic “Iliad”. Then the features of the composition and other artistic features of the epic are highlighted. Various examples are given from the text of the epic, and these conclusions are confirmed by the conclusions of other researchers.

Keywords: “Iliad”, “Odyssey”, Homer, antiquity, China, South and East Asia, Greece, Rome, Europe, epithet, Troy, Olympus, a shield of Achilles, Alexander the Great, George Hegel, realist, echrome.

Аннотация: Прежде всего, в данной статье анализируются языковые качества эпоса Гомера «Илиада». Затем выделяются особенности композиции и другие художественные особенности эпоса. Из текста эпоса приводятся различные примеры, и эти выводы подтверждаются выводами других исследователей.

Ключевые слова: «Илиада», «Одиссея», Гомер, античность, Китай, Южная и Восточная Азия, Греция, Рим, Европа, эпитет, Троя, Олимп, щит Ахилла, Александр Македонский, Георгий Гегель, реалист, эҳром

Доно Ҳомер томонидан мерос бўлиб қолган достонлар “Илиада” ва “Одиссей”да куйланган қадимги юнонларнинг қаҳрамонлари ва худолари ўз вақтида бу халқнинг маънавий идеаллари эди. Антик давр кишиларининг энг юксак орзулари ва маънавиятларининг энг қимматбаҳо маъданлари номус ва жасорат эди. Албатта, уларнинг ҳам ўз мулоҳазаларида суянган ва ишон- ганлари соғлом фикр, куч-ғайрат билан





қилинган меҳнат ва унинг орқасидан бой-бадавлат бўлиш бўлган бўлса ажаб эмас.

Антик давр ахлоққа оид ўзига хос, улуғ бир концепцияни яратди, буларнинг тушунчаси ва дунёқарашига мос келадиган қаҳрамон одам тимсоли- ни ҳаётда кўриш, билиш эди. Уларнинг назарида бундай одам ўз ватани, шаҳри, мамлакати ва давлати учун қаҳрамонлар каби курашадиган киши эди.

Ўша давр одамлари ҳатто ўз ўлимларини кўриб турган пайтларида ҳам жасорат ва ҳеч нарсадан қўрқмасликни, қаҳрамонликни ўзлари учун, ҳаёт учун биринчи шарт бўлган воқелик деб инонганлар. Масалан, “Илиада”нинг бош қаҳрамони Аҳиллес кейинги жангда ўзининг қурбон бўлажagini худолар илоҳий қудрат билан унга англатган бўлсаларда, орқага тисарилмайди, балки олдинга қараб, жангга ташланади.


У фақат бир нарсадан қўрқади, яъни: заифлик, қўрқоқлик қилиб қўйишдан. Унга сингдирилган довюраклик ва жасоратдан орқага чекилишдан. Ўз ватани учун ҳатто азиз жонини ҳам қурбон қилишдек буюк бир шарафдан маҳрум бўлиб қолишдан. Маълум бўлишича, қаҳрамонлар ҳаётнинг қимматини ўлим билан, фидоийликлари билан ўлчайдилар. Бироқ антик давр мифологияси, халқ оғзаки ижоди, адабиёти ва санъатидаги қаҳрамонлик концепцияси вақтлар ўтиши билан ўзгариб борди.

Агар, қадимги Хитой бутун Жанубий ва Шарқий Осиё учун чинакам маънода маданият ва тамаддун ўчоғи саналса, Юнонистон ва Рим ҳам бутун Ғарб дунёси ва деярли барча Европа мамлакатлари учун худди шундай тамаддун бешиги саналади. Худди шу маънода антик даврда бу ўлкаларда кечган ҳодисалар: миф ва афсоналардан тортиб, дин, диний ғоялар, тарихий воқеликлар, бутун ўтмиш давр маданияти ўзининг ўчмас таъсирига эга.

Ҳомер “Илиада” достонининг 13-24 қўшиқларида турли қаҳрамонлар шунингдек, нарсалар, ҳайвонлар, жой номлари учун ишлатилган эпитетларни шартли маънода маълум сифат ва белгиларига кўра жадвал кўринишида тақсимлаб чиқсак қуйидаги ҳолатнинг гувоҳи бўламиз.


Жадвал №3

эпитетлар	Зевс	Ҳера	Ҳектор	Посейдон	нарсаларга хос	ҳайвонларга хос	жой, ўрин	Арей	халққа, одамга оид
тўғри	меҳмон-	сарма			ажалкаш	метинту	метинд	жонку	соҳиб





маъноли метафо рик	дўстлик пушти- паноҳи	-лика гулба- дан			найза серта лотум уммон	ёқ хачирла р	е-вор Илион	- шанд а	қув ва флегий халқи
қў чма маъноли , метоним ик	чақ моқсе- вар чақ моқдор	с игир- қўз		я шинм - онанд	адова ткаш жанг арқони	ип ак ёлли тулпорл ар	ф алокат каш жангго ҳ		ма ъбуда- зот Пелей қуюнмон анд Ирида
се мантик, ранг	ку мушчақ моқ			қ ора- соч	аланг аваш қуёш мисяноқ сарпўш	зар анг туёқ отлар			таб ассуми ғоят дилбар Афродит а
баҳ оловчи	ҳук ми- равон	т акаб- бур			оташо на жанг офатк аш найза		се рталот ум теран дарё		жа нгси- раган мирмидо нликлар
тас вирлов- чи	чақ моққор	м омиқб адан		с ертаҳ -дид	серфо жиа қирғинбаро т мўъж изаваш Ҳефест армуғони	ми с туёқли тул порлар	са рчўқ- қи Ида тоғи	қ алқон йирта р	қоб онмо- нанд паҳ лавон Те- ламонзо да
ли рик	бу лут- кувар	г улгун бадан			бадқа ҳр жавоб				тан грисийм о Патрокл
эм оцио- нал					офата нгиз ёнғин				тан гри- чехра
без овчи					серта лотум океан				по йзирҳли жангчи
од дий	сар падар	с армаъ -буда			зайту нбанд				му рдакаш аравака ш
му ражаб		м омока лон		з илзи- лакор	нурне ъмат сув				жи нглак- соч





									эллада халқи
ум ум- лисоний					пурна ф фикр				ху шният- ли зот
ин дивиду- ал авторли к	чақ моқ-отар				мисли болут ё терак(дек йи-қилиб ўлиш, қилич зарбидан)				тан гримо- нанд кекса Приам, ён- ғинмисо л Ҳектор
до имий					мўъж изаваш қалқон				руҳ и жисмин тарк этди

Текширишларга кўра аниқланган эпитетларнинг қай тарзда ҳосил бўлганлиги, ички тузилиши қараб, таҳлил қилиб чиқилганда қуйидагича кўринишга келди:

от + равиш: чақмоқсевар, чақмоқотар, қилич зарбидан мисли болут ё теракдек йиқилиш, булутқувар;

сифат + от: ипак ёлли тулпорлар, метинтуёқ хачирлар, табассуми ғоят дилбар Афродита, гулгунбадан, қорасоч, жингалаксоч;

от + от: тангрисиймо, пойзирҳли, зайтунбанд, тангричехра, сигиркўз, маъбудазот;

от + феъл: тангримонанд, қобонмонанд, жонкушанда;

феъл + от: жангсираган мирмидонликлар,

от + суффикс: алангаваш, ажалкаш, мўъжизаваш, офатангиз, фалокаткаш, адоваткаш;

префиксал (олд қўшимча) + от: хушниятли, бадқаҳр, серфожиа, мисяноқ;

Ушбу эпитетлар агар кимга ва ёки нимага тегишли бўлса, биз аввал деярли эътибор қилмаган жиҳатлар, худди шу объектнинг қатор белги ва сифатлари ўзининг бор кўлами билан намоён бўлаётганлигини кўраимиз. Масалан, Зевснинг ҳукми равон бўлиб, у меҳмондўстликнинг пуштипаноҳи эканлигини, чақмоқсевар ва булутқувар бўлганлигини билиб оламиз. Ҳеранинг эса сигиркўз ва гулбадан сармалика эканлиги аён бўлади.





Бундай олиб қараганда “Илиада” қаҳрамонларининг қиёфа ва характерлари кўз олдимизда бир-бир акс этади. Шу тариқа Илион шаҳрининг метиндеворлигини, Ида тоғининг эса серчўққи эканлигининг тасвирига дуч келамиз. Достонни куйлаб, айтувчи Ҳомернинг назаридан қочмаган шундай сифатлар, жумладан: Ирида ва Афродита каби маъбудаларнинг қуюнмонанд ёки табассуми ғоят дилбар бўлганлигини ҳам билиб оламиз. Демак, аслида бундай сифатловлар бизга достондаги ҳар бир қаҳрамон тўғрисида тўлиқроқ ва қўшимча маълумотларни беради. Бу ҳам шубҳасиз, аслида достон айтувчининг бадий маҳорати, усталигидан далолат беради.

Энди “Илиада”нинг қаҳрамонларига берилган эпитетларнинг русча вариантдаги шакллари билан унинг ўзбек тилидаги кўринишларини муқояса қилиб кўрайлик. Н.Гнедич¹ китобидан олинган эпитетларнинг намуналари:

Зевс: тучегонитель, всемогущий, который меж смертными браней решитель, громоносный, громовержец, воздыматель облаков, громами звучащий, метатель молнии;

Агамемнон: могучий, повелитель мужей, царь державный, муж сей есть пространнодержавный, великий, владыка мужей;

Гера: златотронная, владычица, волоокая богиня, лилейнораменная;

Парис: несчастный, женолюбец, прельститель;

Одиссей: многоумный, мудрый, благородный;

Гектор: божественный, шлемоблещущий, меднодоспешный; светлоокая дочь Эгиоха;

Ҳомер “Илиада” достонинг ўзбек тилига таржима қилган Қ. Мирмуҳамедов² китобидан келтирилган худди шунга ўхшаш эпитетларнинг намуналари:

Зевс: чақмоқдор, олампаҳо, қудратли, бузрук маъбуд, қодир, тошбағир, булуткувар, бузрук падар, булутбон, само ила ер султони;

Агамемнон: бузрук шоҳ, халқ чўбони, соҳибқирон, лашкарбоши, ботир шоҳ, мардлар султони, беқиёс куч соҳиби;

Ҳера: оқбилак, инжиқ, сигиркўзли маъбуда, сармаъбуда, гулбадан;

Ҳектор: қаттол, тангринамо, бузрук, дубулғаси обдор;

Парис: хотинбоз, бадбахт;

Одиссей: доно, заковатли, тангримонанд, иқтидорли, закий;

Эгиоҳнинг порлоқкўз қизи;

¹ Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.

² Гомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988.





Китобнинг ўзбек тилидаги таржимасида ҳам ҳар бир эпитетнинг муқобиллари яратилган бўлиб, ҳеч бир сифатловчи сўзлар эътибордан четда қолган эмас. Албатта, бунга қиёслар орқали маълум хулосалар қилиш мумкин.

“Илиада”нинг бадиий сифатлари ҳақида сўз кетса, айтиш мумкинки, одамлар қадим-қадим замонлардан бери турли аломатларга, тушларга ишонишган, ўзларича фол кўришган, беморларни даволашган, бахт йўлларини қидиришган, хаётларидаги, турмушларидаги қийинчиликларни енгишга интиланганлар. Айни замонда турли коҳинлар, тушларни табирловчилар, қандайдир гўянда, жўяндлар, фолбинлар, эмчи ва табиблар ва шунга ўхшаш кўплаб амалчи, йўл-йўриқчилар ҳам бўлганлар. Одамлар буларнинг барига ишонишган, уларга ихлос ҳам қўйишган.

Балки булар инсон руҳиятининг ожизлигидандир, балки бемисл ва муракаб турмуш сўқмоқларининг азобларини енгиштириш учун ўйлаб чиқилган йўқ нарсалардир. Лекин нима бўлганда ҳам, худди Ҳекатомба³ сингари қилинадиган турли қурбонлик маросимлари бор гап эди.

Ҳомернинг “Илиада” достони худди ўша, ниҳоятда қадим ва қоронғу замонларнинг ёдгорлиги, хужжати, аниқ мисоли. Айни шу маънода, достонда таъкидлангани каби, Троя ёнидаги турли воқеалар кетидан келиб чиққан ўлат одамлар қалбида турли шубҳаларни уйғотди. Бу шубҳа ва гумонларни қандайдир асословчи таъбирчилар ҳам бор эди. Шулардан бири достондаги фолбин Калхас образидир. Ҳомер уни шундай тасвирлайди:

“... Шундан кейин чиқди ўртага

Қушлар билан фол очишда тенги йўқ зот, донишманд Калхас.


Воқиф эди у ўтмишдан, мавжуд кундан ва келажакдан...⁴”.

Калхас ўзига ишонган киши, у вазиятни, одамлараро муносабатларни тўғри англайди. Ўз сўзлари билан кимнингдир ғурури ва жиғига тегиб қўйишдан, айниқса омма олдида қандайдир сўзларни айтишдан ўзини сақлайди. Шунинг учун ҳам ҳатто халқ ундан маълум воқеликларнинг таъбирини сўраганида ҳам ўзини хотиржам қилиш мақсадида, кучли одамлардан ўзини ҳимоя қилишларини аввал сўраб олади.

Шундай ниятда у Ахиллесга мурожаат қилади ва ҳимоя борасида унинг қатъий ваъдасини олганидан сўнг, халқ олдида ўлатнинг нима учун келиб чиққанлиги ҳақида сўз айтади. Сўзнинг қирғоғи Агамемнонга

³Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. Изоҳлар: 65-сатр, 420-бет.

⁴Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 27-бет.





бориб тақалади ва у мунозарада қизишаб кетади ва бўлиб турган шароитда ўзини айбдор деб билмайди. Натижада бир томондан у, яъни Агамемнон халққа ён босишга мажбур бўлади, иккинчи томондан эса Аҳиллеснинг ўлжа асираси Брисейдани тортиб олиб, унинг чўнг ғазабини келтириб чиқарган ишларнинг содир бўлишига сабачи бўлиб қолади. Аҳиллеснинг ғазаби эса “Илиада”нинг энг асосий воқеаларидан биридир.

Одамлар фолбинларга шу даражада ишонишар экан, нега тушларга, турли башоратларга, Олимп худоларига, маъбуд ва маъбудаларга, уларнинг қудратига, кучига ишонишмасин. Нега уларни ўзларига хайрихоҳ этиш учун ҳаракат қилишмасин.

Ҳомернинг бутун маҳорати ҳам шу ерда, одамлар руҳиятининг кучли ва кучсиз томонларини яхши билганлигида, одамлар билан шу асосларда катта олишувларга чиқа олганлигида. Ҳомернинг санъаткор сифатидаги яна бир сири халқ маънавиятини, унинг удум ва одатларини чуқур билганлигида. Ажаб эмаски, айна шу нарсалар “Илиада” достонининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлса.

Ғурури топталган Аҳиллес, Агамемнон устидан шикоят қилиб онаси маъбуда Фетидага ялворади. Фетида эса ўғлимни кўлла деб, Олимп худоларининг сарпадари Зевснинг олдида боради. Зевс Аҳиллесни қувватлашга сўз беради. Ишнинг уддасидан чиқиш ва Фетидага берилган ваъдани бажариш учун Зевс Агамемнонга қалбаки туш ташлайди.

Агамемнон вазиятни етарлича англамай ўзининг ғалаба қилажаги ҳақидаги пуч тушга ишониб, жангчиларни жангга чорлайди, бироқ жангда Трояликларнинг кўли баланд келиб, у шарманда бўлади. Аҳиллес жангдан ўзини четга олади, унинг жангда қатнашмаётганлиги ҳаммага жуда яхши билинади, унинг қаттиқ ғазабда ёнаётганлиги, Агамемнон томонидан камситилганлиги урушнинг кетишига, ахейларнинг эса мағлубиятига сабаб бўлади. Ўзининг сохта тушига беҳуда ишониб, лашкарини олға бошлаб жангга кирган Агамемнон ўз қилмишидан изтиробда қолади.

Албатта, туш урушда содир бўлиб турган воқеаларни изоҳлаш учун куйчи бахши, рапсод Ҳомерга бир баҳона халос. У бир сохта рўё билан воқеа ҳамда асар қаҳрамонларини бир – бирига шунчалик боғлаб ташладики, энди бу тугуннинг ечилиши мушкил муаммога айланди. Демак, туш ҳам дoston воқеаларининг ривожидан ўз ўрнига эга.

“Илиада” да яна бир муҳим ўрин борки, бу ҳам дoston воқеаларининг ривожидан ўзига хос аҳамият касб этади. Бу дoston муаллифи томонидан асар тузилишини, воқеалар нимадан бошланиб, нима билан тугагини





олдиндан баён қиладиган ўриндир. Дафъатан, бевосита Олимпдаги худоларнинг ўзаро суҳбатида бу масала ўртага қалқиб чиқади ва кейинги бўладиган ҳодисалар айна шу илгаридан айтилган ўзан бўйлаб оқиб боради. Гарча дoston муаллифи асарнинг кейинги тараққий этиш йўлини белгилаётган бўлса ҳам, у гўёки худолар тилидан, аниқроғи сарпадар худо Зевс томонидан айтилади.

“Илиада”нинг ўн бешинчи қўшиғида, агар таъбир жоиз саналса, шундай сатрлар мавжудки, ушбу сатрлар ҳатто башорат деб аталиши ҳам мумкин. Чунки дostonнинг бундан кейинги давоми ҳозир санаб ўтилажак композицион чизиқ асосида давом этиб боради. Жумладан, ушбу сатрларда шундай дейилади:

“... Феб янги қувва тухфа этиб бузрук Ҳекторга...
... руҳлантирур муҳораба сари бошқатдан,
Ахейларга эса яна пуркаб қўрқув...
... чекинмоққа мажбур этур ҳаммаларин...
Шоҳ Аҳиллес шунда дўсти Патроклни шайлагай жангга...
... Шундан кейин, обдор зирҳли Ҳектор нобуд қилажак уни,
... Чаққоноёқ Аҳилл эса дўсти учун интиқом олиб,
Маҳв этажак жангга кириб Приамзода Ҳекторни шунда...⁵”

Кўриниб турибдики, дostonдаги воқеаларнинг ривожланиш чизиғи чизиб берилмоқда, энди фақат уларга тафсилотлар орқали тус бериш қолди халос. Воқеан, Ҳомер жуда усталик билан ўз асарининг маҳобатли архитектурасини, бутун шакли-шамойилини шу тарзда ўз сатрлари билан белгилаб оладида, кейин унга ранг беради, жон киритади, завқ ва ҳис бағишлайди. Дostonдаги бундай жиҳатлар асарнинг ўзбек тилидаги таржимасида ҳам худди табиий тарзда тиклангандек тасаввур уйғотади.

Худди шундай башоратомуз ўринларни “Илиада” дostonининг яна бир жойида учратиш мумкин. Ушбу башорат йўсинидаги иккинчи ҳолат ўқувчининг кўз ўнгидан бирсира, гўё ялт этиб ўтиб кетади. Қиёсан бундай вазият фақат дoston ижодкорига ва мутлақо унгагина хос бўлган иш ёки сир. Мана қуйида ўша сатрлар, дostonдаги ўн биринчи қўшиқнинг 610-611 сатрлари:

“... Патрокл ҳам Аҳиллеснинг янгроқ сасин эшитиб дарҳол Чодиридан чиқдики, – бу фалокатнинг ибтидосийди⁶”.

Амин бўлиш лозимки, “Илиада” дostonи ўз композициясининг ниҳоятда пишиқлиги ва пухталиги билан машҳур, Ҳомернинг ҳайратомуз

⁵ Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 246-бет

⁶ Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. Изоҳлар:426-бет, 611-сатр.





яратувчанлик идроки ҳар қандай кишини лол этмасдан қўймайди. “Илиада” достонининг худди шу ўринлари Н.Гнедич таржимасида қуйидагича берилган:

“Ахиллес быстроногий...

В оное время герой стоял на корме корабельной...

Начал к себе призывать он любезного друга Патрокла,

Громко крича с корабля; из-под сени, услышав, он быстро

Вышел, Арею подобный,— и было то горя началом⁷”.

Рус тилидаги “...и было то горя началом” – дейилгани “бу фалокатнинг ибти -

досийди”–дейилган гапнинг айнаи ўзгинаси, яъни: башоратнинг айнан ўзгинаси эканлиги кўриниб турибди.

“Илиада”достонида Ахиллеснинг қалқони тасвирига алоҳида ўрин берилган. Ушбу эпизод достончи Ҳомер томонидан тенгсиз бир ҳассослик билан тасвирга туширилган. Қалқон тасвири бу шунчаки бир қалқон тасвири эмас, балки ҳаёт тасвирига айланган. Қадимги халқлар турмушининг реал манзараси ўз аксини топган бу ерда. Шунинг учун ҳам бу қалқонни чинакам маънода “оинаи жаҳоннома” деб атасак бўлади.

Достонда ҳикоя қилинишига биноан малика ва маъбуда Фетида ўғли Ахиллесга бошқатдан янги қурол-яроғ ясашиш учун Олимпга, олов худоси, темирчилик касбининг пушти-паноҳи ва ўзи ҳам моҳир темирчи бўлган Ҳефестнинг олдига боради. Маълумки, Ахиллес ўзининг жангавор кийимлари ва қуролларини дўсти Патроклга берган, у эса шу аслаҳалар билан жангга кирган эди. Жанглар давомида Патрокл Ҳектор томонидан ўлдирилган ва у ишлатган барча қурол-яроғлар қўлдан кетган эди. Достонда янги қалқоннинг ясалиши ҳақида шундай сатрлар бор:

“Ҳефест... Аввал улкан, маҳкам қалқон ясади у нафис безакли;

... Бешта қатлам бўлди қалқон, ҳар бир қатлам доирасида

Тангри Ҳефест кўп антиқа нарсаларнинг тасвирин чизди⁸”.

Ниҳоятда кўп образларни турли вазиятлар ва давраларда тасвирлаб кўрсатган Ҳомернинг “Илиада” эпоси ўз кўлами билан жуда кенг воқеликни қамраб олади. Шунинг учун ҳам Ҳомернинг ҳар икки достонини, яъни “Одиссей” ва “Илиада”ни қадимги давр энциклопедияси⁹ ҳам деб аташади.

⁷ Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960. Стр 184.

⁸Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 313-бет.

⁹Бронский И.М. История античной литературы. 3-е изд. — М., 1957. стр.111.





Чунки бу ерда ўз миқдорий кўрсаткичларига кўра юнон халқи маданиятининг турли жиҳатига оид улкан маълумотлар тўпланган. Достонда баъзан жанговор лавҳалар осойишта ҳаёт ва табиат манзаралари билан алмашилади, яъни қаҳрамонлик ҳолатлари ўзига хос идиллияларга ўрин бўшатади.

Шундай ҳолатни биз Аҳиллес қалқони ҳақидаги баёнларда учратамиз. Бу ҳақда таниқли юноншунос олим И.М. Тронский шундай деб ёзади. “Эпик ижодкор назарида дoston қаҳрамонларининг атрофини тўлдирган маиший ҳаётгина эмас, балки ўзга юртлар ва халқлар ҳаётига доир ноёб урф-одатлар ва маросимлар ҳам ўз ўрнига эга¹⁰”.

Албатта, Юнонистон ўзининг тарихий ва географик жойлашувига кўра Шарқ ва Ғарбни боғлаб турадиган йўл бўйида жойлашган эди. Шарқ мамлакатлари ва халқларига хос кўпдан-кўп ҳаётий воқеликлар Юнонистон халқларига таниш бўлиб, уларнинг ҳаётига ҳам таъсири бор эди.

Маълумки, немис файласуфи Ҳеорг Ҳегель Ҳомер ижоди ва Юнонистон тарихи билан бутун умр қизиқиб келган эди. У ўзининг “Фалсафа тарихи” деган асарида шундай деб ёзади:

“Шоир ижоди ва Троя уруши даврининг ўғлони Аҳиллес Юнонистон закосининг юксак намунаси эди. Ҳомер шундай воқеликки, одам ҳаво билан яшагани каби, унинг ижодида юнон дунёси яшайди. Юнонистон ҳаёти ёшлар жасоратидан иборат. Уни шоирона йигит Аҳиллес очди ва Буюк Александр* тугатди. Уларнинг иккаласи ҳам Осиё билан жангга тушди¹¹”.


Яна Ҳомернинг “Илиада”дostonида чизилган Аҳиллес қалқони тасвирига қайтайлик. Қалқонда чизилган манзаралардан бирида қадимги даврдаги тўй тасвири бор. Албатта, тўй-томошалар ҳам энг эски удумлардан саналади, унда ҳар бир халқнинг такрорланмас урфи ва одатлари, куй-қўшиқлари, нафис либослари, шириндан-ширин таомлари, халқнинг истак ва армонлари бир ерга жам бўлади. Тасвирда кўринишича, энди кун кеч бўлиб, халқ ҳар кунги даладаги меҳнату-ишидан қайтганидан сўнг, атрофга қоронғулик чўка бошлагач келин-куёвнинг тўй маросими авжига чиқа боради. Тўй манзараси “Илиада”да шундай тасвирга эга:

“Бу шаҳарда машъалалар ёруғида ёш келинчакни

¹⁰ Тронский И.М. История античной литературы. 3-е изд. — М., 1957. стр.112.

*Буюк Александр – Македониялик Александр (Искадар Мақдуний) назарда тутилмоқда.

¹¹ Ҳеорг В. Ф. Ҳегель. Философия истории, (Georg Wilhelm Friedrich Hegel.: Philosophie der Geschichte) пер.А. М.Водена. Т.8, СПб.:Наука, 2000-480 с. Стр18. Серия "Слово о сущем" PDF 26,6 Мб. ISBN:5-02-028169-7





Етаклашиб, қўшиқ айтиб кўчалардан олиб ўтурлар.
Ёш-яланглар давра қурур, рақс тушур: янграр лиранинг
Ва сурнайнинг шўх овози; ўз уйининг остонасига
Чиққан хотин-халаж тўйни таажжуб-ла қилур томошо.”

Ушбу тўй манзараси кўпроқ шарқ халқларининг удумига ўхшаб кетади. Бундай воқеликнинг мисол қилинганлиги шак-шубҳасиз бежиз эмас. Чунки Кичик Осиё ва бутун Осиё халқлари ўртасидаги алоқа кечагина пайдо бўлиб қолган эмас. Бунинг қатор тарихий сабаблари бор, албатта. Жумладан, бунга Буюк Ипак йўли гувоҳ бўла олади. Бу йўл халқларни, уларнинг ўй-фикрларини, фалсафа ва закосини, урф ва удумларини яқинлаштирган эди. Турли қадим замонларнинг ўчиб кетган оғриқли қийқириқларида, жангларда аср тушган ва қул қилинган тутқинларнинг азобларида бу тарих яширинганлиги шубҳасиз.


Гарчи қалқон уруш асбоби бўлса-да, унда тинч ҳаёт манзараларининг тасвири ҳам ўз ўрнини олган. Тасвирда куз, тўкинчилик, буғдой ўрими пайти. Аслида урушдан мақсад нима эди ўзи? Шу тинчлик, тўкинчилик эмасми? Тўйга, бахтга, мурод-мақсадга етишиш эмасми? Жангчи қилич ё найза кўтариб душманига ҳамла қилар экан, рақибининг қалқонида биринчи бўлиб унинг кўзига қадаладиган нарса ўша хотиржамликнинг, тинчликнинг сурати эмасми? Рақиб худди шу тинчликни, хотиржамликни деб жангга тушаётган эмасми?! Достонда Ҳомер тасвирлаган хотиржамлик суратлари қуйидагича:

“Яна у барқ уриб ўсган буғдойзорни ҳам нақш қилди;
Ўроқчилар ўроқларни ярақлатиб буғдой ўрарди.
Бир томонда тўп-тўп ётар ўрилган ул олтин бошоқлар...”
Мана тинчликнинг, бахтли ҳаётнинг иккинчи сурати:

“Ҳефест яна узумзорни тасвир этди...
Олтин боғда қора тусда эди узум бошлари;
... Нафосатла тўқилган кўп саватларда тотли узумни
Ташийдилар йигит-қизлар гўдаклардек шўхлик қилишиб,
... Ер тепиниб, қўшиқ айтиб, қийқиришиб боришар шодон¹²”.

Ҳомер ҳақиқатдан ҳам ҳаётнинг аччиқ – аччиқ ҳолатларини аёвсиз ва бирон-бир бўёқ-бежавларсиз, рўй-рост тасвирга олувчи чин реалист ижодкор сифатида тан олинишга сазавор санъаткордир. Айниқса, унинг томонидан қирғинбарот уруш манзараларининг, қонли ўлим ваҳшатларининг айтилиб, куйланиб ўтилиши, қонли жанг

¹² Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 315-бет.





тафсилотларининг, ўлим тиғидан жароҳат-ланган аскарларнинг ҳаёт билан видолашувлари акс этган вазиятларнинг майда-чуйдаларигача баён қилинганлиги ушбу бахши-куйчининг тўғри сўз, ҳаққоний тасвирчи уста эканлигидан далолат беради.

Реалист ижодкор томонидан қалқон тасвири давомида нафақат тинчлик балки уруш пайтларининг ҳам манзаралари чизилганлиги, мавжуд воқелик-ларнинг ҳаққонийлигини исботлаб бера олади. Жумладан “Илиада”да тасвири берилган урушлар тўғрисидаги қуйидаги сатрларга эътибор қаратинг:

“Тараф-тараф бўлиб, ана жанг бошланди дарё бўйида;
Найза отиб бир-бирларин маҳв этмоқда, ана, лашкарлар.
Адовату низо изғир қўшин аро, яна шум ўлим;
У гоҳ човут солар соғга, гоҳ ярадор илқидан тутар...”

“Илиада” достони давомида Ҳомер томонидан турли сюжетларнинг кўринишларини сўзлар ёрдамида маҳорат ва синчковлик билан ёритиб борилишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳомер ҳақиқатан ҳам сюжет яратиш устаси, агар бу фикр яна ўзгачароқ тарзда таъкидланиши лозим деб ҳисобланса, Ҳомер ҳаётни, ҳар кунги турмушни ўзининг ўткир нигоҳи билан теран кузатувчи, ҳодисаларни турли воқеаларнинг оқибати деб қаровчи ва унинг сабаблари қатига эринмай шўнғиб борувчи одил ҳакам еб қаралиши зарур. Дарҳақиқат, чинакам одил ҳакамгина воқеаларни тўғри, объектив баҳоловчиси бўла олиши мумкин. Қуйида бахши рапсод Ҳомер томонидан гўёки Ҳефест қўли билан чизилган таъкидланаётган ҳаёт манзараларидан яна бири:

“Ана икки ёлдор арслон тўсиб чиқиб пода олдидан
Бир буқани бўғизлайди: шўрлик маърар жон аччиғида;
Уни итлар ва чўпонлар қутқаргани югурадилар;
Лекин шерлар парво қилмай шиладилар буқа терисин,¹³”

Ҳомер бутун дoston давомида худди шунга ўхшаб кетадиган ҳаёт манзараларини, ўлим ва ажал лаҳзаларини, меҳнат ва машаққат онларини кўп бора ўзининг қалб ойнасига чизган, жангу жадалар тўғрисидаги қўшиқлар ишқибози бўлган одамларга куй ва чолғу жўрлигида айтиб етказган. Шунинг учун ҳам қалқондаги тасвирлар кишида энг илгари замонлардаги турмуш лавҳаларининг бир давоми каби таассурот уйғотади.

¹³ Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 315-бет.





Кўп тадқиқотчиларнинг ҳақли тарзда таъкидлаб ўтишларига кўра “Илиада” достонида такрор бўлиб келган шеърий ўринлар ниҳоятда кўп. Таҳлилчилар ҳатто бундай ўринлар дostonнинг қарийиб тўртдан бирига яқин бўлган ҳажми эгаллайди деб айтишади. Масалан, “Илиада” ва “Одиссей” дostonларида тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган равишда қайтарилиб такрор қилинган ўринлар миқдори 9253 марта эканлиги ҳисоблаб чиқилган. Бу миқдор ўша дostonларнинг қарийиб учдан бирига тенг деб айтилган.¹⁴

Достонда жангу-жадаллар кўп маротаба тасвирланган. Урушга кирган томонлардан бирининг жангчиси агар мағлуб бўлса, унинг қай тарзда ҳалок бўлаётганлиги ўз ифодасини топган. Масалан, дostonнинг турли саҳифаларида қуйидагига ўхшаган такрор мисралар учрайди:

Ва у кулаб аробадан, тарк айлади руҳи жисмини¹⁵. (123-бет)

Жиловдорнинг шу чоқ руҳи ва қувваси тарк этди жисмин.* (139-бет)

Шунда унинг қувваси ҳам, руҳи ҳам тарк этди жисмини.(143-бет)

Оқсоқланиб, лек ниҳоят учиб кетди руҳи жисмидан, (189-бет)

Қулатдию маҳв айлади улар руҳин ҳамда жисмини, (189-бет)

Қора ерга шўнғидию руҳи жисмин тарк этди буткул. (280-бет)

Умуман олганда достонда қайтариқлар жуда кўп. Унда нафақат эпитет ёки энг умумий ўринлар, ҳатто бутун бутун сатрлар ҳам тез – тез такрорланиб келади.

Достоннинг халқ ўртасидаги оғзаки ижросида бундай қайтариқлар тингловчилар учун қандайдир дам олиш лаҳзалари ва ҳордиқ дақиқалари бўлиб келади. Баъзи ўринларда эса такрорланаётган мисралар эшитилаётган воқеликларни тўғри англаш учун хизмат қилади. Турли луқма эпитетлар эса уларнинг кимга тегишли эканлигини алоҳида кўрсатиб, таъкидлаб туради.

Ҳомер дostonлари нафақат ўз илдизлари билан юнон фолкларига бориб етади, балки ўз образларида улар юнон халқининг энг бебаҳо сифатларини қамраб олади. Бундай сифатлар ушбу халқнинг маданият тарихидаги алоҳида ўрнини ҳам кўрсатиб туради.

Ушбу маданият, ушбу дostonлар Кичик Осиёнинг Иониясида яралган бўлса ҳам, тез орада Юнонистоннинг бутун ҳудудига тарқалди, юнонлар учун гўё ўзига хос муқаддас китобга айланди. Антик жамият қанча давр

¹⁴ <http://antique-lit.niv.ru/antique-lit/tronskiy-i-m/gomeroovskoe-iskusstvo.htm>.

¹⁵ Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 123-бет.

¹⁶ Бундан кейинги ўринларда маълум манбанинг саҳифа рақами кўрсатилган.






сақланиб турган бўлса, шунча вақт ёш юнонларнинг тарбияси учун асосий восита бўлди.

Агар юнонистонлик шоир деб, бировнинг отини аташи керак бўлса, у албатта Ҳомерни тушунар эди. Антик давр юнон кишисининг идеал образи ушбу жамият энди юзага келаётган илк даврда Ҳомер эпосларида кўкларга кўтарилди, мақталди.

Ушбу қуйида келтириляётган кузатишларни балки дostonда учрайдиган такрорлар деб ҳам айтиш мумкин бўлар, бироқ бундай ўринларни ҳикоя ичидаги ҳикоя деб айтсак, масала янада ёрқинлашиб, тадқиқот давомидаги кузатишлар янада аниқ ва тиниқ ҳолда ўз ўрнига эга бўлади. Чунки Ҳомер ўзининг “Илиада” дostonида келтирган турли образлар, турли қаҳрамонлар воқеа ва ҳодисалар силсиласида китобхонга ўзлари тўғрисида ўзлари маълумот етказиб, асарнинг тарихий реалистик кучи ошиб боришига хизмат қиладилар. Шундай ўринлардан бири дostonнинг тўққизинчи қўшиғида келганлиги баён этилади: Жангда Трояликларнинг қўли баланд келиб, улар данайларни денгиз қирғоғига қадар қувиб келадилар. Ҳектор бошлиқ Трояликлар кўп ғалаба қозона бошлайдилар. Бир чеккада эса Ахиллес ҳамон алам оғушида, жангужадалдан четда турибди. Тун. Ахейлар йиғинга, маслаҳатга тўпланадилар. Агамемноннинг боши ҳам. У жўрттага жангни тўхтатиб юртга қайтиш тўғри-сида ҳаммага маслаҳат солади. Тидей ўғли ёш Диомед сўз олиб, жангни давом эттиришни таклиф қилади. Доно, кекса Нестор сўз чиқиб, Агамемнонга Ахиллесни нима қилиб бўлса ҳам жанг қилишга кўндириш лозимлигини айтади. Агамемнон Ахиллесдан кечирим сўраб, унга кўп совға саломлар тортиқ қилмоқчи ва Брисеидани ҳам орқага қайтармоқчи бўлади. Ахиллес олдига вакилларни юборадилар. Вакиллар орасида Аякс, Одесей кабилардан ташқари Ахиллесни тарбиялаб ўстирган кекса Феникс ҳам бор.

Ахиллес ҳузурида маслаҳат-музокара авж олади. Ўз навбатида даврада сўз олган Феникс эски замонларни Ахиллеснинг болалик дамларини шоҳ Пелейнинг айтган сўзларини ва шу тариқа ўзининг тақдири ва отаси билан бўлган воқеаларни эсга олади. Шундай қилиб, ҳикоя ичида яна бир ҳикоя, тарих юзага келади.

Шак-шубҳасиз ҳар гал дoston воқеалари қизиб кетганида, дostonга янги қаҳрамонлар кириб келганида дostonчи Ҳомер янги қаҳрамонни тинглов-чиларга таништириб, унинг тарихини ҳам айтиб беради. “Илиада”да шу тариқа кетма-кет тарзда ҳикоялар, жанглар, офат ва





балолар кўзғалиб илгари эшитил-маган, учрамаган ҳодисалар юзага келаётган пайтларда янги сюжетлар, ҳикоя-лар пайдо бўлади.

Ҳикоялар силсиласи дostonнинг давоми каби бири-бирига уланиб боради. Чунки дostonдаги ҳар бир образ, ҳар бир қаҳрамоннинг ўз тарихи, ўзининг келиб чиқиш ўрни бор.

Дostonнинг яна ўзига хос бир жиҳати шундан иборатки, Воқеалар ичидаги воқеалар умумий оқимга хизмат қилади, яъни янги қаҳрамонлар ўз ҳикояларини айтиб бўлгач, яна асосий йўлга, агар таъбир жоиз бўлса, Троя остонасига, илгариги тарихнинг, ҳодисаларнинг келиб тўхтаган жойига қайтадилар. Масалан, Феникснинг ҳикояси тугаб, у яна сергакланади ва аввал-ги умумий ўзанга қайтиб, Ахиллесга шундай маслаҳатлар беради:

“Тангримонанд, о Аҳиллес, сени ўғлим дея атагум;
Шояд бир куни фалокатдан мени халос этсанг баногоҳ,
Мард бешафқат бўлмас асло, тарк эт, ўғлим, кибру ҳавони...!

... Муҳофаза қил ёрдамга муҳтож шўрлик юнонларни...¹⁶”

Алабатта, Ҳомернинг “Илиада” дostonи воқеа-ҳодисаларга ниҳоятда бой. Ахир уни бежизга антик даврнинг қомуси бўлароқ асар деб айтишмаган. “Илиада” дostonи ҳеч бир сўзсиз жаҳон адабиётининг улуғ эҳроми бўлган ўлмас асардир. Ҳомернинг номи ҳам дoston умри билан бирга абадийлик касб этган.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960.
- 2.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988.
- 3.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. Изоҳлар: 65-сатр, 420-бет.
- 4.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 27-бет.
- 5.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 246-бет.
- 6.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. Изоҳлар:426-бет, 611-сатр.
- 7.Гомер. “Илиада” перевод Н.И.Гнедича. М-1960. Стр 184.
- 8.Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 313-бет.

¹⁶ Ҳомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси, Тошкент–1988. 164-бет.





- 9.Тронский И.М. История античной литературы. 3-е изд. — М., 1957. стр.111.
- 10.Тронский И.М. История античной литературы. 3-е изд. — М., 1957. стр.112.
- 11.*Буюк Александр – Македониялик Александр (Искадар Макдуний) назарда тутилмоқда.
12. Хеорг В. Ф. Хегель.Философия истории, (Georg Wilhelm Friedrich Hegel.:Philosophie der Geschichte) пер.А. М.Водена. Т.8,СПб.:Наука, 2000-480 с.Стр18.Серия "Слово о сущем" PDF 26,6 Мб.ISBN:5-02-028169-7
13. Хомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 315-бет.
14. <http://antique-lit.niv.ru/antique-lit/tronskiy-i-m/gomerovskoe-iskusstvo.htm>.
- 15.Хомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 123-бет.
- 16.*Бундан кейинги ўринларда маълум манбанинг саҳифа рақами кўрсатилган.
17. Хомер “Илиада” русчадан Қодир Мирмухамедов таржимаси, Тошкент–1988. 164-бет.

